



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 11 АВГУСТ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 156 (12.717)

Баҳоси эркин нарҳда

23
О'ЗБЕКИСТОН

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Айни кунларда ўзини шу она заминнинг фарзанди деб билган, юртга дахлдорлик ҳиссини туйган ҳар бир инсон тобора яқинлашиб келаётган Энг улуг ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 23 йиллигини муносиб кутиб олиш тараддудиди. Бугун биз ҳикоя қилмоқчи бўлаётган Сергели туманида ҳам энг улуг айёмга тайёргарлик ишлари қизгин кетаётганлигининг гувоҳи бўлдик.



ЎЗБЕКИСТОН ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИ

Инсоният уруш балоси ва тинчлик қадрини шу қадар чуқур идрок этадики, тиллар пайдо бўлган замонлардан юз одамлар бир-бири билан юз кўришганда ҳам, хайрлашаётганда ҳам аввало тинчлик тилайди. Салом — тинчлик, хайр — яхшилик, эзгулик, демакдир. Охири бахайр бўлсин, деган гапни ҳам кўп такрорлаймиз. Зеро, энг мудҳиш ёвузлик уруш бўлса, барча ҳаётини неъматларнинг замири тинчликдир.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан тинчликпарвар ташқи сиёсат юритиб келмоқда. Бу сиёсат аввало Президентимиз Ислам Каримов давлат раҳбарлари орасида биринчи бўлиб БМТ минбаридан жаҳон ахли эътиборини Афғонистонга қаратганида, терроризм ва экстремизмнинг вайронкор хавфи ҳақида огоҳлантирганида намойён бўлди.

Ўтган асрнинг 90-йилларида хавфсизликка таҳдидлар, уларнинг моҳияти ва туб сабаблари бугунгичалик долзарблик касб этмаган эди. Кейинчалик қатор мамлакатларда юзага келган қалтисликлар, терроризм ва экстремизмнинг халқаро миқёсда фаоллашуви, бошқа таҳдидларнинг майдонга чиқиши Ўзбекистон раҳбариятининг қарашлари қанчалик асосли эканини кўрсатди. Бугун хавфсизлик масаласи ҳар қандай халқаро учрашув, халқаро анжуманининг асосий мавзуларидан бирига айланган.

Ўзбекистон ҳаммаша ҳар қандай муаммони мурося билан, музокаралар орқали ҳал қилиш тарафдори бўлиб келган. Хусусан, Афғонистон муаммосига тўхталадиган бўлсак, Президент Ислам Каримовнинг бу мамлакатдаги вазиятни фақат ҳарбий куч ишлатиш орқали ўнглаб бўлмаслиги тўғрисидаги фикри бугун халқаро майдонда кенг эътироф этилмоқда. Давлатимиз раҳбари Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун қарама-қарши томонларни муросяга келтириш, қатор иқтисодий ва гуманитар масалаларни ҳал қилиш, халқнинг урф-одатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарурлигини таъкидлаб келади. Халқаро экспертлар бу фикрлар тўғрисида қайд этади.

Шу боис Ўзбекистон Афғонистон билан муносабатларни икки томонлама асосда ривожлантириш тарафдори эканини баён этиб келади ва амалда бу гоёяни ҳаётга татбиқ этмоқда. Афғонистонда бунёд этилган йўллар, кўприklar, бу мамлакатга етказиб берилаётган электр энергияси ана шундай икки томонлама ҳамкорлиkning ёрқин тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда)

XXI саҳифа
Барча манбалардан олинган хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳридаги «Нихол» оромгоҳида Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ёшлар марафони ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги ва «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан икки юздан зиёд ёш иштирок этди.

● Наманганда «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» кўрик-танловининг ташкил босқичи бўлиб ўтди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда 12 фуқаролар йиғини вакиллари учта шарт бўйича ўзаро беллашди.

● Тошкент вилояти маънавият ва маърифат марказида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг вилоят бўлими хонандалари ўртасида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўриктанловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.

● Нукусда одам савдосига қарши курашиш, ноқонуний меҳнат миграцияси ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳар ҳокимлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, тегишли вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳамда одам савдосига қарши курашиш комиссиялари аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Навоий шаҳрида «Ишонч гилам» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси иш бошлади. Корхона «Ипак йўли» банкининг вилоят филиалидан олинган 4 миллиард сўмлик кредит маблағи эвазига фаолият бошлаган бўлиб, бу ерда меҳнат қилаётган қирқдан зиёд ишчи-ҳодимнинг асосий қисми ёшлардир. Компьютерлаштирилган замонавий гилам тўкиш дастгоҳларини ёшлар маҳорат билан бошқармоқда.

ЖАҲОНДА

● Калифорния технологиялар институти олимлари Сатурн сайёрасининг йўлдоши — Титанда худди ердаги каби «ўлик денгиз» мавжуд, деган хулосага келишди. Олимларнинг қайд этишича, Титандаги денгиз сувдан эмас, асосан этан ва бензол углеводородларидан иборат бўлиши мумкин.

● Жаҳон банки Эбола безгаги эпидемиясига қарши курашиш ва унинг тарқалишининг олдини олиш учун 200 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. Ушбу маблағ биринчи навбатда эпидемия кенг тарқалган Гвинея, Либерия ва Сиерра-Леоне давлатларига тарқатилади. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнгги маълумотларига кўра, жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб мазкур мамлакатларда 1093 ҳолатда ушбу хавфли хасталикка чалиниш қайд этилган бўлиб, оқибатда 660 киши ҳаётдан кўз юмган.

1968 йилда ташкил топган ушбу туманининг майдони 5,6 минг гектарни ташкил этади. 165,3 минг турли миллат вакиллари тумандаги 33 та маҳаллада истикомат қилиб, юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Туманда 2403 та корхоналар фаолият кўрсатаётган бўлиб, аҳолига бугунги замон талаби даражасида 70 та тиббиёт муассасалари, ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи 24 та жамоат ташкилотлари, таълим-тарбия ва маданий ҳордиқ чиқаришлари учун 122 та таълим ва маданият муассасалари хизмат кўрсатмоқда.

2014 йилнинг биринчи ярим йиллиги натижалари бўйича тумanning асосий иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак — саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,2 фоиз, ҳудудий саноат ишлаб чиқариш 3,8 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 31,9 фоиз, пудрат қурилиш ишлари 8,9 фоиз, чакана савдо айланмаси 3,5 фоиз, жами хизматлар 4,1 фоиз, пуллик хизматлар 5,1 фоиз, маҳсулот ва хизматлар экспорти 51,6 фоиз ўсиши таъминланганини кўришимиз мумкин.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳудудий дастури доирасида эса тумандаги 5 та корхонанинг 10 та лойиҳалари бўйича ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу лойиҳаларда январь — июнь ойлари давомида 8840,3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш истиқбол кўрсаткичлари белгиланган бўлиб,

амалда 8847,7 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган.

Ишда асосий эътибор кам қувватда ишлаётган, фаолият юритмаётган, бўш турган, қурилиши тугалланмаган объектлар ҳамда ажратилган ер майдонлари, ўз ҳудудида қурилиш қилиш учун рухсат берилган объектларни ўрганиш ва уларнинг салоҳиятини тиклаш

миқдорида хорижий инвестициялар жалб этилди.

Шу билан бирга туман экспорт салоҳиятини ошириш, янги очилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тадбиркорлик соҳасига янада кенгроқ жалб этиш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда тадбиркорлик субъектлари иштирокида бир қатор учрашувлар ўтказилиб келинмоқда.

Фикримизни мутасар қилиб айтадиган бўлсак Сергели тумани бўйича 2014 йилнинг ўтган ярим йиллигида 213 та янги корхоналар ташкил этилди ва 852 та ишчи ўринлари яратилди. 37 та корхонанинг фаолияти қайта тикланиб, 291 та иш ўринлари яратилди. Тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш инвестиция дастуридаги 171 та лойиҳалар ишга туширилди ва улар томонидан 979 та янги иш жойлари яратилиб, аҳоли турмуш фаровонлигининг ошиши, юрт ободлигига хизмат қилмоқда.

Сергели тумани аҳолиси «Ватан — оstonадан бошланади» деган нақлга амал қилиб, Энг улуг ва энг азиз айёмни ишда унум, дастурхонда тўқинлиқни ният қилган ҳолда бутун атрофни орасталаб, ёруғ юз билан кутиб олиш тараддудиди.

(Сергели туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилашнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Вазирлик ва идоралар, солиқ ва боғхона органлари вакиллари, экспертлар иштирок этган тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида инвесторларга қўшимча имтиёз ҳамда преференциялар бериш, солиқ ва бошқа назорат органлари ўртасидаги муносабатларни соддалаштириш, ташқи савдо операцияларини расмийлаш-

тириш жараёнида ортиқча тартиб-таомилларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар муҳокама этилди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси расиси Б.Иминов ва бошқалар инвестициялар иқтисодиётда таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини

жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уларни техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурларини амалга оширишга хизмат қилишини таъкидлади. Бу борада илғор технологияларни жорий қилиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш имкониятлари яратилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда фаолият кўрсатётган корхоналарни модернизация қилишни жадаллаштириш ва техник қайта жиҳозлаш, газ, кимё, электр техника, озиқ-овқат, фармацевтика, ахборот ва телекоммуникация тармоқлари ҳамда бошқа соҳаларда юқори технологиялар асосида ишлайдиган замонавий ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топширишга қаратилган инвестиция фаолияти изчил амалга оширилаётир.

(Давоми 2-бетда)



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



СЕРГЕЛИ ТУМАНИ: ЮКСАЛИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА



Маҳалла

ОБОДЛИКДАН ДИЛ ЯЙРАЙДИ

Азал-азалдан маҳалла қадр-қиммат, меҳр-оқибат ва эзгулик, шунингдек, тозаллик-показлик, орасталигу ободлик бешиги саналиб келган. Сергели туманидаги Бобур маҳалласига кириб келганимизда юқорида санаб ўтилган хислатларнинг нечоғлик тўғри айтилганига бевосита гувоҳ бўлдик.

55 та кўп қаватли уйлардан иборат бўлиб, маҳалладаги покаянлик ва орасталик, гулу чакларнинг қийос очилиб дилларга ажиб завқ бағишлашдан тортиб, бу масканда яшовчи турли миллат вакиллари ўзаро дўстона муносабати бизда илиқ таассурот уйғотди.

— Маҳалламиз тинч-осойишта, аҳоли бир-бирини қўллаб-қувватлаб, ўзаро баамаслаҳат бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда, — дейди маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчиси Шохид Алиева. — 7900 нафар турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек яшаб, бир-бирларини ўзаро қўллаб-қувватлаб келмоқда. «Хашар — элга ярашар» нақли бизнинг маҳаллада янада буй кўрсатади, десак адашмаймиз. Қачон хашарга чакирсак, маҳалладошлар лаббай деб жавоб беришади. Бу йил баҳорда 200 дан ортқ мевали ва манзарали дарахт, 4000 дан ортқ гул кўчатлари экилди. 20 та болалар майдончаси қайта таъмирланиб, ҳар бир ховлининг ариқ-лотоклари хашар йўли билан тозаланиб, чиқиндилар чиқариб ташланди. 6455 квадрат метр том ёпилди, 19 та йўлак таъмирланди, 55 та кўп қаватли уйларнинг ертўлларида таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Маҳаллани айланар эканмиз, кириш йўлакларини ёнидаги чиқиндилонларнинг замонавий талаб даражасида таъмирланиб, аффа эшикларини ўрнатилгани, брусчатка ётқизилгани эътиборимизни тортиди.

— Каровсиз ётган жойлар обод бўлди, янги иш ўринлари яратилди, кириш йўлакларини атрофи ораста ҳолга келтирилиб, замонавий эшиклар ўрнатилди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хурсаной Рўзиназарова. —

Бугунги кунгача 22 та йўлак шундай чиройли ҳолга келтирилди, ховлиларга 15 та қўшимча ўриндиқлар ўрнатилди. Худудимизда 599-мактабга таълим муассасаси, 317-умумтаълим мактаби жойлашган бўлиб, улар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Ўғил-қизларимизнинг таълим-тарбияли, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари йўлида имкон қадар иш олиб бормоқдамиз. Ота-оналар, ўқитувчи-мураббийларнинг ўзаро ҳамкорлиги яхши натижаларни бермоқда.

Бундан ташқари худудимиздаги 6 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳам ўзаро келишиб, иш олиб борилади. 228-милиция таянч пункти профилактика инспекторлари капитан Саидкабар Ортиқов, лейтенантлар Мираббос Шойимов ва Баҳодир Жўраевлар билан маҳалланинг биргаликдаги яқин ҳамкорлиги туфайли вояга етмаган ўсмир-ёшлар ўртасида жиноятчиликка қўл урилмаган. Мана, бутун ёз фасли давомида 317-мактаб қўшида ташкил этилган оромгоҳда болалар мазза қилиб дам олишмоқда. Уларнинг сузиши, шахмат, шашка, енгил атлетика каби бир қатор спорт турлари бўйича мусобақаларда қатнашиб саломатликларини тиклаб, спортга ошно бўлишлари бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга хизмат қилмоқда. «Ораста қизлар» тўғрагимиз эса қамиша ёшлар билан гавжум.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, маҳалламизда олиб борилаётган барча ишларимиз фақат бир мақсадга: тобора яқинлашиб келаётган Ёнг азият, энг улғу байрам — Мустақиллигимизнинг 23 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилган.

Кейинги йилларда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий маданиятни ошириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар туфайли тиббиёт тизимида салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Сергели туманидаги замонавий тарзда қад ростилаб, бугунги кунда кўп сонли аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиб келаётган 10-оилавий поликлиника фаолияти ҳам фикримизга мисол бўла олади.

— Юртимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самараси туфайли мана шундай бугунги кун талабига жавоб берадиган мух-ташам, замонавий тиббий асбоб-ускуналар, мебеллар билан жиҳозланган янги бино 2013 йил декабрь ойида қурилиб, фойдаланишга топширилди, — дейди

ушбу поликлиника бош шифокори Марям Эргашева биз билан суҳбатда. — Барча шарт-шароитлар яратилган ушбу оилавий поликлиника бугунги кунда 50 мингдан ортқ аҳолига хизмат кўрсатамоқда. Ўзбекистон, кичик-кичик ҳудудга хизмат кўрсатган бешта филиал бirlаштирилиб, битта марказий поликлиникага айланди. Илгари аҳоли лаборатория хизматлари, лор, хирург, ортопед, логопед каби шифокорлар назорати учун аниқ олис масофани босиб ўтиб, асосий поликлиникага бориш лозим бўлса, бугун клиник лабораториядан тортиб, тор соҳа мутахассислари бўлган шифокорлар ўзимизда фаолият олиб бормоқда. «Саломатлик — 3» давлат лойиҳаси бўйича хориждан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган поликлиникамизда 43 нафар олий тоифали шифокорлар, 107 нафар кўли енгил ҳамширалар беморлар

дардига нафакат муолажа, балки ширин сўзлари билан ҳам дармон бўлмоқдалар.

Бундан ташқари «Соғлом бола» хонаси ташкил этилган бўлиб, керакли тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Бу ерда она ва бола саломатлигини муҳофаза

Тиббиёт

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

қилиш, ёш оналарга 1 ёшгача бўлган болаларини парвартиш қилишни ўргатишда ҳамда кўрак сутининг аҳамиятини тушуниришда. «Ёш оналар мактаби»да эса ҳар ҳафтада машғулотлар ўтказилади, малакали шифокорлар иштирокида давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилади.

Жорий йилнинг «Соғлом бола йили» деб номланиши ва бу борада қабул қилинган Давлат дастури ижроси бўйича бизга бириктирилган «Янги ҳаёт», «Қипчоқ», «Хабийи», «Ўзгариш», «Бобур», «Гулистон» каби ўн битта маҳалладаги оналар ва болалар ҳамда ўсмир қизлар чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказилди. Шунингдек, 300, 284, 301, 317, 7- умумтаълим мактаб-

Маълумки, мустақилликка эришган йилларимиздан бошлаб Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етишига катта эътибор қаратилмоқда. Шаҳримизнинг ҳар бир гўшасида қад ростилаш замонавий спорт иншоотлари ва уларда машғулотлар ўтаётган, спортга меҳр қўйган ёшларни кўриб беихтиёр шукроналик, фахр туйғуларини туясиз.

Болалар спорти

ЧЕМПИОНЛАР ЕТИШИБ ЧИҚМОҚДА

Тумандаги 11-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига юқоридagi фикр-хаёллар билан кириб келдик. Бежиз кўтаринки руҳ бизни чулғаман экан. Ўзбек спортининг фахри бўлган миллий ва белбоғли кураш, дзюдо, таэквондо, турон, эркин ва юнон-рум курашнинг сирларини ўғил-қизларга кунт билан ўргатаётган мураббийлар айнан шу ерда чемпионларни вояга етказаятган экан.

— Бугун ўзбек миллий кураши бутун жаҳонга юз тутган, — дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Улғубек Раҳмонов. — Спорт мактабимизда 514 нафар ёшлар шуғулланаётган бўлса, шулардан 63 нафарини қизлар ташкил этади. Кураш сирларини меҳр ва кунт билан ўрганаётган шоғирдларимиз халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда фаол қатнашиб, қамиша фахри ўринларини эгаллаб келмоқдалар. Масалан, яқинда белбоғли кураш, миллий кураш, эркин кураш, таэквондо ВТФ, турон кураши бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида Шерзод

Уктов, Бекмурод Олтибаев, Зухра Отамуродова, Лиана Ким, Мирусмон Мирсultonов каби бир қатор ёшларимиз биринчи ўринни эгаллашди. Айни вақтда мактабимизда 6 нафар жаҳон ва 4 нафар Осиё чемпионлари машғулотларда қатнашиб, кейинги мусобақаларга тайёргарлик кўришмоқда.

Бундан ташқари ёшларимиз «Ёз — 2014» турнирлари, шунингдек, дзюдо, миллий ва белбоғли кураш бўйича шахар чемпионати мусобақаларига қизгин тайёргарлик кўришмоқда.

Эътиборлиси, спортга, айниқса болалар спортига қаратилаётган катта эътибор туфайли ўтган 2013 йилда спорт мактаби тўлиқ таъмирдан чиқарилди, янги маъмурият биноси қад ростилаб, шу билан бирга янги спорт анжонлари билан жиҳозланди. Бугун барча шарт-шароитлар яратилган ушбу чемпионлар масканида 24 нафар жонқуяр мураббийлар янги-янги иқтидор ва истеъодларни кашф этиш йўлида спортчи ёшлар билан иш олиб бормоқдалар.

лари ўқувчилари, саккизта мактабга таълим муассасалари кичикинтойлари ҳам тиббий қўриқдан ўтказилиб, касаллик аниқланган тақдирда, керакли муолажаларни олмақда. Бундан ташқари ёлғиз, ҳеч кими йўқ кексалардан 17 нафарини оналиққа олганимиз, шифокор ва ҳамшираларимиз уларнинг ҳолдан мунтазам ҳабар олиб турадилар, зарур бўлганда беминнат ёрдам кўрсатадилар.

Бош шифокорнинг таъкидлашича, «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида фаолият юритаётган жамоа аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш, маҳалла, ўқув муассасалари ва қорхоналарда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш, бир сўз билан айтадиган бўлсак, «касаликнинг даволагандан кўра унинг олдини олиш» нақлига амал қилган ҳолда хайрли мақсадлар йўлида фаолият юритмоқда.

Янги бинода кўтаринки кайфият билан Мустақиллигимизнинг 23 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўраётган, энгиларидаги оппоқ халатга муносиб тарзда бутун атрофни ҳам ободонлаштириб, саранжом-саришта қилишга бел боғлаган 10-оилавий поликлиника жамоасига аҳоли саломатлигини сақлаш йўлидаги ишдан асло чарчанган, дея ният билдирдик.

Саҳифа материалларини Шоира МУХАМЕДОВА тайёрлаган
Ислом Исмоилов олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тинчликпарвар сиёсат турли ҳарбий блокларга қўшилмаслик гоёсида ҳам яққол намоён бўлади. Зеро, моҳиятан қандай асосда тузилган бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай блок қайси бир давлат ё давлатлар гуруҳига қарши қўйилади. Иккинчи жиҳати эса ҳарбий блок муайян даражада мамлакат мустақиллигига даҳл қилади. Чунки бошқа давлатлар қаторида ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш мажбуриятини юклайди. Ўзбекистон ҳарбийлари мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини ҳимоя қилади, чегараларимиз даҳлсизлигини таъминлайди. Бу мақсадлар блоклар доирасидаги ва-зифалардан кескин фарқ қилиши эса барчага аён.

Уруш ҳаммага жуда оғир солиқ солади, бу солиқни эркак қон билан, аёл кўз ёши билан тўлайди, дейдилар. Бир оила бошига тушган мусибатнинг ўзи қанчалар аянчли. Шу нуқтаи назардан қараганда, бутун мамлакатнинг мусибати нечоғли катта фожиа бўлишини тасаввур қилиш ҳам мушкул. Бугун Сурия, Ироқ ёки Ливияда, МДХ маконидаги айрим минтақаларда оддий одамлар қандай даҳшатли ўй-хаёллар, қандай оғир ташвишлар билан ҳаёт кечираётганини эшитган-кўрган ҳар қандай одам боши узра мусалфа осмонни кўриб шукрона айтади.

Тинчлик — гоёат кенг тушунча. Мамлакатда ички барқарорлиқни таъминлаш ва мустаҳкамлаш Ўзбекистон тинчликпарвар сиёсатининг алоҳида йўналишидир. Биз шаҳар ё қишлоқ, ёруғ ёки қоронғу бўлишдан қатъи назар ҳавотир ва ҳадиксиз истаган жойимизга борамиз, фарзандларимизни ўқишга, тўғаракларга кузатамиз ва кутиб оламиз. Эртанинг ҳақида ўйлаганда тушунлиққа тушмаймиз. Яна неча мамлакатга шундай таъриф бериш мумкин?

Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки каби йирик халқаро молия муассасалари Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсиши саккиз фоиздан кам бўлмай келаятганини эътироф этади. Бугунги тараққиёт, бунёдкорлик, фаровонлиқнинг бош омили ҳам мана шу тинч-осуда ҳаётдир. Айтайлик, сармоядор нотинч ўлка иқтисодиётига пул тикадими? Ёки бирор мамлакатда бузғунчи сиёсат юритаётган давлат билан савдо қилишга иштиёқ бўладими? Жавоб аниқ — йўқ!

Инсонларни муҳаббат, дўстлик, тотувлик бирлаштиради. Айни пайтда оғатга қарши нафрат ҳам одамларни яқинлаштиради. Бугун Ўзбекистон ахли ўзаро дўстлик, тотувлик билан бир қаторда урушга нафрат, тинчликка муҳаббат билан жипсдир, дейиш учун асослар етарли.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иштирокчилар мамлакатимиздаги мавжуд мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база ҳар томонлама қулай инвестиция муҳитини яратишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Халқаро инвестиция ҳуқуқининг асосий қондаларини ўзида мужассам этган Ўзбекистон Республикасининг инвестиция қонунчилиги МДХ мамлакатлари қонунчилиги тизимида илгорлардан биридир. Хусусан, «Инвестиция фаолияти тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг қаролатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида», «Рақобат тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа ҳужжатлар инвесторлар ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, улар учун имтиёз ва преференциялар тақдим этишга кўмаклашмоқда.

Мисол учун, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмаган қиритаётган хорижий инвесторлар учун имкон қадар қулай инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Бунинг самарасида иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларнинг жалб этиш кўлами йил сайин кенгайиб бораётгани, фаолият кўрсатаётган қорхоналар модернизация қилиниб, самарадорлиги юқори замонавий қорхоналар ташкил этилаётгани қайд қилинди. Бу мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, бозорни рақобатбардор ва импорт ўрнини босадиган сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга ёрдам бераётди.

Давра суҳбати иштирокчилари айни пайтда парламентда муҳокама этилаётган янги таҳрирдagi «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан ўз тақлиф ва тавсияларини билдирди. Ушбу ҳужжатда инвестиция фаолиятини амалга оширишга доир асосий тушунчаларга аниқлик киритиш, инвестиция жараёнининг барча иштирокчилари ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини таъминлашга алоҳида эътибор берилган.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА муҳбири



Хар йили мустақиллик байрамини турли эзгу мақсадларга йўғрилган шиорлар остида нишонлаш одатга айланди. Таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, бу шиорлар халқимизни янги зафарларга чорловчи, руҳлантирувчи, кайфиятини кўтарувчи омилга айланмоқда.

Айниқса, бу йилги шиорнинг бошқаларидан ўзгояси, мазмун-моҳияти, жарангдорлиги билан ажралиб турганини кузатиш қийин эмас. Гап шундаки, хар бир миллионлар инсон учун Ватан ягона. Бир инсонда иккита Ватан бўлиши мумкин эмас. Ватанинг ягоналиги эса унга нисбатан севгининг янада кучлироқ, мустаҳкамроқ бўлишига ундайди. Инсонда ёрға, дўстларга, турли қадриятларга нисбатан севги бўлиши табиий. Аммо Ватанга нисбатан севги танҳо.

Севги тушунчасининг Ватанга нисбатан танҳолиги эса ўз навбатида унга бўлган садоқатнинг нечоғлик кучлилигини белгилайди. Шу ўринда Ватанга нисбатан севги ва садоқатнинг бир жойда ўз аксини топиши ўта мантиқли ҳамда тўғри бўлган.

Хўш, мазкур шиорда «ғўзал Ўзбекистоним» сўзларининг акс этишини қандай тушунам керак? Бу саволга жавоб бериш учун кўп мушоада юрийтишнинг ҳолати йўқ. Гап шундаки, Ўзбекистон мустақиллик йилларида том маънода ислохотлар, қурилишлар мамлакатига айланди. Натижада Ўзбекистон иқтисодиёти барчамизнинг кўз ўнгимизда катта тезлик билан ривожлана бошлади. Фикримизнинг тасдиғи сифатида тилга олинган ушбу қарорда мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти 4,1 баробар, аҳолининг реал даромадлари, жон бошига 8,2 баробар ошгани кейинги 9 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмасдан келатганини кўришимиз мумкин.

Шубҳасиз, буларнинг бари Ўзбекистоннинг тобора ғўзлашиб бораётганини аниқлашчи далилдир. Мустақиллик йилларида эришилган ютуқларнинг энг залворли инсон, унинг маънавий қиёфаси, кишилар онгу тафаккуридаги эврилишларда намоён бўлмоқда.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида эришган энг залворли ютуғимиз фуқароларнинг маънавий оламидаги ўзгаришларда намоён бўлмоқда. Ўзининг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлашга, бойитиш ва кўпайтиришга, — дейди Юртбошимиз, — шунингдек, униб-ўсиб келатган ёш авлодни миллий ва

умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга етарлича эътибор қаратмайдиган, ҳар томонлама уйғун ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ўз қараш ва ёндашувига, гражданлик позициясига эга бўлган шахсни камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайдиган ҳар қандай давлат ва жамият тарихи ва тараққиёт йўлидан четда қолиб кетишга маҳкум эканини биз ўзимизга яхши тасаввур этишимиз.

Иқтисоддаги бир-икки ўта жиддий нарсаларга эътибор бериш лозим. Биринчидан, гап ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси, унинг ҳаддан ташқари бой эканлиги тўғрисида кетмоқда. Фикримни исботлаш учун давлатимиз

ижтимоий фаолликнинг ортиб бораётганини, ҳуқуқий маданиятининг шаклланишида дея таъкидлагим келади. Энг муҳими, бу ёшларнинг эртанги кунга ишончи баланд, ўзларини жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бевосита дахлдор, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг эртанги кунга ишончини айни пайтда ният-мақсадларининг поклигида ҳам кўриш мумкин. Шу ўринда, Ҳазрати шайх Ҳаким Термизийнинг қуйидаги фикрлари жуда ўринлидир: «Хеч бир йўқотишдан қайғуриш керак эмас, фақат ниятни йўқотишдан қайғуриш керак. Чунки бирор хайрли иш ниятсиз дуруст бўлмайди».

Учинчи ҳулоса маънавият ва ёшларнинг теварак-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш кўнимаси билан боғлиқ. Шу ўринда Ал-Фақиҳ Абу Лайс Ас-Самар-

ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛОВЧИ ОМИЛ

қандийнинг қуйидаги фикрлари ўта муҳим: «Одамларнинг қиёмат кунига иймон жиҳатидан ихлосмандлари дунёда кўпроқ тафаккур қилганларидир». Демак, маънавият ва тафаккур инсоннинг маънавий олами шакллантирадиган, уни чархлайдиган муҳим омилдир.

Мустақиллик ва маънавият тушунчаларини асло берибдирдан айро ҳолда тушуниш мумкин эмас. Мустақилликни англаш учун кишиларда кучли маънавий замин бўлиши лозим. Аслида мустақилликнинг маъна-мун-моҳиятини тушуниш, унинг буюк неъмат эканлигини онгли равишда англаш учун ҳам маънавий омил зарур. Ўзбекистоннинг мустақиллик учун курашлар тарихига назар ташласак бу нарсалар яна бир бор амин бўлиш мумкин.

Масаланинг бошқа жиҳати эса том маънодаги маънавият эркинлик, мустақиллик туфайли содир бўлиши билан боғлиқдир. Бошқача сўз билан айтганда ҳақиқий маънодаги маънавият халқ, миллият манфаати, унинг қарашлари, интилишлари, изланишлари билан уйғун бўлганлигига шаклланиши мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда маънавият-маърифат давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган.

Абдухалил МАВРУЛОВ, тарих фанлари доктори, профессор



ОНА-ЮРТНИ КЎЙЛАШ БАХТИ

Ўзбекистон давлат консерваториясида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги М.Ҳошимов, танлов ҳакамлари ҳайъати раиси, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси ўринбосари Х.Раҳимов ва бошқалар мамлакатимизда ҳеч қимдан кам бўлмаган, қалби ғурур ва ифтихорга тўла, билимли, юксак маънавиятли баркамол авлодни вояга етказиш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири эканини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2009 йилда бўён аънавий тарзда ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» танлови Ўзбекистонимизни улуглаш, уни кўз қорачигидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш каби эзгу туйғуларни ёш авлод қалбига камол топтиришдек улугвор мақсадларга хизмат қилмоқда. Мазкур ижодий танлов натижасида янгидан-янги истеъдод соҳиблари кашф этилиб, бадииятчилик билан уйғун бўлганлигига шаклланиши мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда маънавият-маърифат давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган.

кўрсатмоқда.

Санъат ихлосмандларининг қалбидан мустаҳкам ўрин олган кўрик-танловнинг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги босқичи ҳам юксак савияда, байрамона кайфиятда бўлиб ўтди. Унда қарийб 4 минг нафарга яқин хонанда, қирққа яқин бадиий жамоа иштирок этди. Танловнинг якуний босқичида ҳаваскорлик жамоалари, академик ва халқ бадиий жамоалари хонандалари, яққол ижро қилган, ёш кўшиқчилар иштирок этди.

Устозларим кўмагида танловга «Эл бола-си» номли кўшиқни тайёрлаб келдим, — дейди Қарши туманидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактабининг 6-синф ўқувчиси Азизбек Шарофидинов. — Унда жонажон Ватанимизда болаларга кўрсатилаётган меҳрибонлик, ўқиш, изланиш учун яратилаётган шароитлар тараннум этилади.

Қорақалпоғистонлик Сададдин Сапаев «Туғилган ер», Тошкент шаҳридан Дилдора Мирсодиқова «Шодийна», Навоий вилоятидан Серижон Жаҳонметов «Она юртим» кўшиғи учун биринчи ўринга лойиқ топилди. Ҳалилар кўрик-танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш имконини кўлга киритди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Миллий матбуот марказида «Таълим муассасалари битирувчиларининг бизнес гоёси банклар эътиборида» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Мамлакатимизда аҳоли, хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилган. Ушбу мақсадларга эришиш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга янада рағбатлантириш, ёшларни, авваломбор касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қатор имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар белгилаб берилган.

Биргина жорий йилнинг ўтган ярим йиллигида банклар томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 76,8 млрд сўм, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баравар кўп миқдорда кредитлар ажратилди. Натижада жойларда 8,5 мингга яқин коллеж битирувчиси иш билан таъминланди.

Бунда тижорат банкларида коллеж битирувчиларининг микрокредит олиш учун таъминоти етарли бўлмаган тақдирда, яқин қариндошларининг (ота-она, ака-ука, опа-сингил) иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш орқали қафиллик бериш амалиёти жорий этилгани ўз самарасини бермоқда.

Бундан ташқари, банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга 7,5 трлн сўм миқдорда, иқтисодиёт реал сектори қорхоналарини техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун 8 трлн сўмдан ортиқ инвестицион кредитлар ажратилиши белгиланган. Бу дегани яна қўллаб қўшимча иш ўринлари ташкил этишга шароит яратилади.

ЁШЛАР БАНДЛИГИ — ЭЪТИБОРДА

Банклар «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида «Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш» лойиҳасида ҳам фаол иштирок этмоқда. Унга кўра, ёшларни, жумладан, ёш оилаларни кичик бизнесга жалб этиш, уларда бизнесни юритиш, молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича қўшимчаларни шакллантириш юзасидан семинар-тренинглари ташкил этилмоқда. Республикадаги ҳар бир коллежга бириктирилган банк ходимлари томонидан минглаб оилаларга кредит ва грантлар олиш бўйича турли маслаҳатлар берилди. Касб-хунар коллежларида тадбиркорлик бурчлари ташкил этилди ва битирувчилар билан молиявий мавзуда мунтазам суҳбатлар ўтказиб берилмоқда.

Мазкур тадбирлар доирасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тижорат банклари томонидан кичик

бизнес субъектларига тақдим этилган 500 дан ортиқ имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар бўйича жами 26,6 млрд сўм кредитлар ажратилган бўлса, шундан 400 нафари ёш тадбиркорлар ва касб-хунар коллежлари битирувчилари бўлиб, уларнинг 4,3 млрд сўмлик лойиҳалари имтиёзли шартларда молиялаштирилди.

Ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларнинг изланишлари, тадбиркорлик ва ишбилармонлик қўнимчаларини ошириши, ёшлар томонидан яратилаётган инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий этиш мақсадида банклар жамоат ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Жумладан, O'zLiDeP партияси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган «Диплом билан бизнесга» лойиҳаси доирасида мингдан ортиқ таълим муассасалари битирувчиларига тижорат банклар томонидан ўтган йилларда 4,5 млрд сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, 4,5 минг нафар касб-хунар коллеж ҳамда олий ўқув юртлири битирувчиларининг тадбиркорлик ва ишбилармонликка оид билимлари оширилди.

«Камолот» ЕИХ Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ҳам самарали лойиҳалар амалга оширилмоқда. «Менинг бизнес гоём», «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» ҳамда «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» лойиҳаларини республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказиш аънавий тус олди ва бу хил оммавий тадбирлар ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишида катта имконият яратмоқда.

Анжуманда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

Фаррух БАХРОМОВ

ОИЛА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Оилани муқаддас билиш, уни асраб-авайлаш халқимизнинг эзгу фазилатларидан ҳисобланади. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилани янада мустаҳкамлаш ва унинг нуфузини оширишга катта эътибор қаратиляпти.

Истиқлол йилларида юртимизда оилани мустаҳкамлашга доир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёшлар онгига чуқур сингдириш, оила аъзоларининг ҳуқуқий, тиббий, психологик саводхонлигини ошириш, бир сўз билан айтганда, оиланинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш борасида эътиборга молик ишлар қилинди.

Хозирда адлия идоралари томонидан жойларда оилавий муносабатлар асосини ташкил этувчи умуминсоний қадриятлар, миллий урф-одатларимиз, шунингдек, қонун ҳужжатлари кенг тарғиб қилинмоқда. Хусусан, ҳокимликлар, хотин-қизлар кенгашлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ФХДё бўлимларида «Ёш оила мактаблари», «Оила дорил-фунуни» ташкил этилиб, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Оила муқаддас экан, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам долзарб масалалардан бири. Никоҳланувчи йигит-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилиб, уларни оилага тайёрлаш ва тиббий кўриқдан ўтказиш тартиблари жиддий назоратга олинди.

Оила никоҳдан бошланади. Никоҳланувчилар билан суҳбатлашиб, уларга ҳуқуқий ёрдам бериш оилани мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан биридир. Соғлом фарзанд эса оила кўргонини янада мустаҳкамлайди. Шу боис никоҳланувчилар соғлигига катта эътибор берилмоқда.

Таъкидлаш керакки, ФХДё бўлимлари мутасадди ташкилотлар билан биргаликда фуқаролар ўртасида ҳуқуқий мавзуларда ўқитувчилар ўтказишни мунтазам йўлга қўйган. Бундай ўқитувчиларда нотабиал идоралар ходимлари никоҳ тузиш тартиблари, шунингдек, эр-хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва жабриятлари, никоҳ шартномаси ҳақида аҳолига зарур тушунчаларни беришмоқда.

Бир сўз билан айтганда, оила манфаатларини ҳимоялаш, оила аъзоларининг ҳуқуқий билимларини ошириш адлия идораларининг доимий вазифасига айланган. Оила мустаҳкамлиги жамият барқарорлигига элтувчи омиллардан экан, унинг манфаатларини устувор деб билиш мамлакат қудратини янада мустаҳкамлайди.

Шаҳноза КАМОЛОВА,
Яккасарой туман ФХДё бўлими мудираси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан хусусий тадбиркорлик субъектлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсадида ташкил қилинган бошқарма ва туман бўлимларининг ишонч телефонларини маълум қиламиз.

№	Бошқарма ва туман бўлими	Ишонч телефони рақамлари
1	Бошқарманинг навабчилик қисми	241-92-05
2	Бектемир туман бўлими	295-18-90
3	Мирзо Улугбек туман бўлими	237-44-82
4	Миробод туман бўлими	215-87-07
5	Олмазор туман бўлими	228-01-00
6	Сергели туман бўлими	258-75-71
7	Учтепа туман бўлими	271-52-06
8	Ҳамза туман бўлими	289-59-88
9	Чилонзор туман бўлими	271-12-56
10	Шайхонтоқур туман бўлими	230-31-85
11	Юнусобод туман бўлими	234-20-67
12	Яккасарой туман бўлими	250-13-66

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичида-босқич охири бориш тартибига ўтказилаётган очик аукцион савдосига ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Савдога такроран Тошкент шаҳар Олмазор тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан ФИБ Шайхонтоқур туманлари судининг 27.12.2011 йилдаги 1-10936/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган Юнусобод тумани, Ҳасанбой мавзесидаги «Шообил» ХФ ҳудудига соқланаётган «Дамас» русумли д/р 01S410BA бўлган, 2009 йил и/ч техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Унинг бошланғич баҳоси — 10 800 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 29 август кунини соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2014 йил 28 август кунини соат 18:00. Автотранспорт воситаси билан Олмазор туман суд ижрочилиги бўлими вақили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танилиши мумкин.

Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сабон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 х/рга тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишоннома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши ҳоқунлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-уй. Тел: 228-79-52. www.ttm.uz. Гувоҳнома № 006231.

ЁШ ТЕННИСЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Миробод туман бўлини маси томонидан тумандаги «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги спорт мажмуасида стол тенниси бўйича туман кубоги мусобақаси ташкил этилди.



Мазкур турнирда тумандаги 39 та маҳаллада истиқомат қилувчи 9-10, 11-12 ва 13-14 ёшдаги болалар ва ўсмирлар қатнашди.

— «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, маҳалларда оммавий спортни янада ривожлантириш, ўсиб келаётган ёшларни жисмонан соғлом ва маънан баркамол этиб тарбиялаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Миробод туман бўлини маси раиси ўринбосари Абдусамид Саидазимов. — Ўтказилган мазкур

мусобақа ҳам шулар сирасига қиради. Айтиш жоизки, «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғини қошида стол тенниси бўйича тўғрақ ташкил этилган. Бундан асосий мақсад ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва уларни спортга кенг жалб этишдан иборат.

Спорт мусобақасида олти миш нафардан зиёд ўғил-қизлар иштирок этиб, ўзаро куч синашишди. Мусобақани кузатиб борган ҳакамлар томонидан биринчи ўринга «Олмазор» маҳалласида яшовчи С. Ғузорова муносиб деб топилди. Иккинчи

ўринни «Чинор» маҳалласидан М.Искандарова эгаллаган бўлса, учинчи ўринни «Дўстлик» маҳалласи вакили И. Жўраев қўлга киритди.

Мусобақа сўнггида ғолибларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлини маси томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Бу каби спорт тадбирлари ўсиб келаётган ёшларнинг жисмонан соғлом ва маънан баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилади, албатта.

Зафар НАЗАРОВ
СУРАТДА: мусобақадан
лаҳза

Норвегиянинг Тромсё шаҳрида давом этаётган жаҳон шахмат олимпиадасида ўзбекистонлик шахматчилар муносиб қатнашмоқда.

Жаҳон шахмат олимпиадаси — 2014

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Дунёнинг 170 га яқин мамлакатидан 2000 нафардан зиёд шахматчи иштирок этаётган нуфузли мусобақанинг бешинчи турида Ўзбекистон эркалар ва хотин-қизлар терма жамоаси аъзолари ғалаба қозонди.

Эркалар ўртасидаги баҳсларда терма жамоамиз аъзолари украинлик шахматчиларни 2,5:1,5 ҳисобида мағлубиятга учратди. Мусобақада биринчи тахтада ўйнаётган терма жамоамиз етакчиси Рустам Қосимжонов Василей Ивановични енгди. Халқаро тоифадаги спорт устаси Жаҳонгир Воҳидов Антон Коробовни мот қилган бўлса, Антон Филиппов Руслан Пономарёв билан дуранг ўйнади.

Терма жамоамиз аъзолари 4 ғалаба ва 1 дуранг билан мусобақа жадвалида олтинчи ўринда бормоқда. Улар олтинчи турда россиялик шахматчилар билан баҳслашди.

Хотин-қизлар мусобақасида терма жамоамиз аъзолари бразилиялик шахматчилар устидан 3,5:0,5 ҳисобида ғалаба қозонди. Ҳамюртларимиздан Ирина Геворган Жулиана Саюми Тераони, Севара Боймуродова Режина Рибейрони, Моҳинур Қаҳрамонова Сузана Чангни мағлуб этган бўлса, Сарвиноз Курбонбоева Ванесса Феличиано Эберт билан дуранг ўйнади. Олтинчи турда шахматчиларимиз уэльсликлар билан куч синашди.

Б.АЙТМУРДОВ,
ЎЗА муҳбири

Мусобақалар

СОҒЛОМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Тошкент Давлат техника университетининг спорт мажмуасида «Соғлом оила» шиори остида Республика оилавий спорт мусобақаларининг шахар босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақа Тошкент шахар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан Тошкент шахар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган тадбирда меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари қатнашди.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар жihatдан етук инсон бўлиб камол топишига эътибор қаратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандларининг соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида улар ўртасида спорт мусобақаларини мунтазам равишда ўтказиб бориш, спортнинг оммавийлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш касба уюшмалари фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

— Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг «Соғлом оила» шиори остида Республика оилавий спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги қарорини ижро этиш мақсадида Тошкент шаҳридаги қорхоналар, ташкилотлар, муассасалардаги меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандлари иштирокида «Соғлом оила» шиори остида спорт мусобақалари босқичма-босқич ўтказилди, — дейди Тошкент шахар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Ирода Ҳикматова. — Қизиқарли спорт баҳслари,

ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлган ва дўстона руҳ, байрамона кайфият ҳукм сурган мусобақалар қорхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оила аъзоларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишини кундалик турмуш тарзига айлантириш, спорт орқали саломатлигини тиклашга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди. Меҳнаткашларни турли касб касалликларидан спорт ва соғлом турмуш тарзи асослари орқали муҳофаза қилиш муҳимлигини таъкидлаш жоиз.

Пойтахт касба уюшмалари тизимидаги қорхона, ташкилотлар, муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар ҳамда уларнинг фарзандларидан иборат 14 та оила вакиллари Тошкент шахар босқичидаги беллашувларида қатнашди. Бир ўғил, бир қиздан иборат оилавий жамоалар югуриш, тўпни нишонга отиш, қаққонлик ва мерганлик, мохир ҳужумчи, тезлик ва эпчиллик, арқон тортиш каби шартлар бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

Мусобақада «Энг ғасол оила» номинацияси ғолиби бўлган Одиловлар оиласини сўхбатга қорладик.



— Мазкур мусобақада турмуш ўртоғим, ўғлим Олимжон билан биргаликда иштирок этдик, — дейди Учтепа туманидаги 203-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Дилфуза Тўланова. — Ўғлим ва турмуш ўртоғим мунтазам равишда футбол билан шуғулланиб келишди. Мактабимизда спорт бўйича 7 та тўғрақ фаолият олиб боради. Мен ҳам 20 дан 40 ёшгача бўлган аёллар учун очилган бадий гимнастика бўйича тўғраққа қатнашман.

Қизиқарли ва шиддатли кечган мусобақада ғолиб ва турли номинациялар соҳибдорларига эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда оилавий жамоалар ўзлари меҳнат қилаётган тармоқнинг ғолиби сифатида иштирок этиб, мусобақанинг натижасидан қатъи назар оилада спортга бўлган муҳаббатнинг кучайишига, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга хизмат қилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Қатрлар

ЭЪЗОЗ

Қатқалоқни ёриб чиқаётган уруғ шеригидан хафа.

— Менга ўхшаб сен ҳам нурга баравар интиланганимда шу пайт шапалоқ-шапалоқ барг ёзаётган бўларди. Тупроқдаги пўчоғинг-

ни ёриб чиқингу тепангдан томдек босиб турган қатқалоқдан қўчиб бўшадинг. Нима, келажакдан умидинг йўқми?

— Кучим пўчоқни ёриб чиқишга зўрға етди, холос,

илдиз отишга эса ожизман. Сенга ўхшаб она Ердан мадад олсайдим, — деди эндигина унган майса-чиринган уруғ.

— Узр, ноўрин таъна қилибман сенга, — деди соғлом уруғ ва «бор умидимиз шундан» дея қатқалоқ тагиндан қўтариб чиққан жиндекина тупроқни бошида эъзозлади.

Дилшод бугун маънос уйга кириб келди. Қовғидан «қор ёғаяпти».

— «Беш» олдим, деб осмонга сакраб қунаб келардинг, ҳар куни. Ёмон баҳо олдингми бугун? — сўради кир юваётган онаси.

— Қизиксиз-а, ойи, нега ёмон баҳо олар эканман? — ҳайратдан кўзларини чакнатди у.

— Бўлмаса нега хомусан, болам. Дардингни тўкиб, ёзилган мундо-ок.

Дилшод аввалига тўғриси айтсам ойим хафа бўлармикинлар, дея иккиланди. Онаси: «Айта-қол болам, айта-қол. Нега хомусан?» дея қис-тайверганидан кейин юрагидани айтди қолди.

— Мактабдан қайтишда клубдаги мажлисни томоша қилдик. Дадамлар жудаям оз сўзлашди.

Сўзлари шунақа камми, ойи? Қўлларини кўкракларига қўйиб сахнадан тез тушиб кетдилар. Ўртоқларимдан бирим уялдимки...

— Вой боласи тушмагур-ей. Шунга хафа бўляпсанми? — бир оз диққинафас бўлган онасининг чехраси ёришди. — Сенинг ўрнингга бўлганимда хурсанд бўлардим. Биласанми, даданг камтар ва содда. Соз ишлаб, оз сўзлашни яхши кўрадилар. Лекин дадангнинг бошқа аjoyиб сўзлари кўп. Элга ёқимли, жуда ширин. Мен билан боққа борсанг, айтиб бераман.

Эртасига она Дилшодни боққа бошлаб келди. Сўри ва ишқомлардаги «қирмизи», «хусайни»,

ГЎЗАЛ ХИСЛАТ

Кўл дастурхон тузарди.

— Бор ёнғоқнинг ҳаммаси тўқ бўлганда икки ликопча тўларди. Нима қилсамикин? — хаёлланди кўл.

— Ташвишланманг, — хотиржам қилди уни ғалвирли ёнғоқлардан бири. — Тўқларимизнинг барини чақинг. Пучларини чақмай тағимизга жойланг. Ликопчалар тўлиб меҳмонга кулиб турсин. Озгина пуч-ёмонимизни яшириб, кўпчилик тўқ-яхшиларимизни кўз-кўз қилинг.

Инсоннинг ҳам яхшилигини ошириб, ёмонлигини яшириш гўзал хислатдир.

БОҒБОН СЎЗИ

«кишмишлар нур талашиб товланади. Саф-саф осилиб турган узум бошини узишга кўз қиймайди. Бир шингилни узди-да, кирсиллатиб еди.

— Мазаа экан. Ох-ох, ойи сиз ҳам енг!

— Мазаа эканми-а? — кулиб қўйди онаси. — Баракалла, чиройли узумлар ернинг саховати — ширин сўзидир. Дадажоннинг ерни сўзлатгунча қанча тер тўққанлар. Неча бор «тиллашди»лар у билан. Даданг билан ернинг меҳри бир-бири билан қўшилиб, эл-юрт гамида қуй-манади. Билсанг, ернинг ҳосили — дадангнинг дил сўзидир.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

Божхона

ҚОИДАБУЗАР «КАШАНДА»ЛАР

Ёхшда ноқонуний юкларнинг олиб ўтилишига чек қўйилди

Республикамиз божхоначилари томонидан тамаки маҳсулотларининг божхона чегаралари орқали ноқонуний олиб ўтилишига қарши чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, Тошкент шахар божхона бошқармаси «Келес» темир йўл чегара божхона пости ходимлари шу турдаги бир неча божхона қоидабузарликларини фож қилишди.

«Москва — Тошкент» йўналиши бўйича кириб келган поезд вагонларини божхона кўригинида ўтказиш вақтида янгийўлик М.Шарипов томонидан «Т-6» шаклидаги божхона декларациясида қайд этилмасдан туриб, олиб ўтишга уринилган товар-моддий бойликлар орасида 3 турдаги 193 қўти тамаки маҳсулотлари борлиги аниқланди.

Набатдаги божхона қоидабузарлиги ҳам шу йўналишдаги поезд вагонларидан бирида фож қилинди. Бу гал пойтахтлик И.Ботиров 3 турдаги 230 қўти тамаки маҳсулотларини республикамиз ҳудудига ноқонуний олиб киришга уринган.

Уфадан юртимизга кириб келаётган поезд вагонларини божхона назоратидан ўтказиш вақтида божхоначилар янгийўлик М.Шуҳратовнинг қинғир қилишларига нўқта қўйишди. Бу гал 18 млн. сўм қийматдаги товар-моддий бойликларни божхона баённомасида қайд этилмасдан олиб киришга уринган қоидабузарнинг юклари орасида 4 турдаги 420 қўти тамаки маҳсулотлари ҳам борлиги аниқланди.

«Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан ҳам тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига оид қатор божхона қоидабузарликлари фож қилинди. Жумладан, Истанбулга паровози олдидан самарқандлик Р.Ахмедов 2 турдаги 350 қўти тамаки маҳсулотларини божхона баённомасида кўрсатмасдан туриб, олиб чиқишга уринган пайтда тўхтатиб қолинди.

«Тошкент — Рига — Нью-Йорк» рейси бўйича сафарга отланган самарқандлик С.Норбоев ҳам «кашанда»лар тоифасидан бўлиб чиқди. Қарангки, 2 турдаги 500 қўти тамаки маҳсулотларини божхона баённомасида ва оғзак сўровлар пайтида маълум қилиш унинг «хаёлидан қўтарилибди».

Сеулга қайтиб кетаётган Жанубий корейлик Ю.Ю эса республикамиздан «эсдалик» учун турли ёдгорликлар ёки амалий санъат буюмларини эмас, 500 қўти тамаки маҳсулотларини божхона баённомасида ва оғзак сўровлар пайтида маълум қилмасдан туриб, олиб кетишни маълум қўрибди. Бундан эса ўзи панд еди, холос.

Хозирда юқоридagi ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, 2014 йилнинг ўтган 6 ойи давомида республикамиз божхоначиларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда олиб борган чора-тадбирлар натижасида аниқланган 120 дан ортиқ қондибузарлик ҳолатларида қиймати 332 млн. сўмдан ортиқ салкам 120 минг қўти тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Эслатиб ўтамиз, 1996 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб келинаётган тамаки маҳсулотларини белгиланган намунадаги акция маркарлари билан мажбурий маркалаш тартиби жорий этилган. Мазкур тартибларга риоя қилмасдан тамаки маҳсулотларини юртимизга олиб кириш, акция маркарларини ёпиштирмаган ҳолда ташиш (халқаро транзитдан ташқари), саклаш ва сотиш эса тақиқланади.

Жисмоний шахслар эса республикамизга акция солиғи тўламасдан туриб, фақат 10 қўтигача тамаки маҳсулотларини олиб киришлари мумкин.

Давлат божхона қўмитаси
Ахборот хизмати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан, Тошкент шахар ҳўжалик судининг 21.07.2011 йилдаги 10-1117/7803-сонли, 09.03.2011 йилдаги 10-1008/21203-сонли, 16.05.2011 йилдаги 10-1114/4969-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шахри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор қўчаси, 254-уйда жойлашган ер участкасининг умумий майдони 481 кв.м., бино иншоотнинг умумий майдони 979 кв.м., фойдаланиш майдони 832,15 кв.м. бўлган, икки қаватдан иборат ертўлали маъмурий бино такроран қўйилмоқда. **Бошлангич баҳоси — 680 939 778,88 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 28 август куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2014 йил 26 август куни соат 18:00.

Қўчмас мўлк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабдорлар мўлк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлганлик микдорида закалат пулини, тўлов ҳужжатиди ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Koshmas Mulk Savdo Xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАМТБ Сағбон фддги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 х/рга тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шахри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш қўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.



кундузи — 37-39 да-
ража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг
мониторинг хизмати
маълумотига кўра,

Тошкент шаҳрида 12 август куни ҳаво ўзга-риб туради, ёнгарчилик бўлмайди. Шарқдан се-кундига 3-8 метр тез-ликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 19-21,

12 августда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шаро-ти шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қоллишига имко-ният яратилади, тағмиқ-дори наст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълоқлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил январда Тошкент шахар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишни мумкин.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Ғ- 855

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6627 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун маъсул
Д. Исроилов
Топшириш вақти: 13.00
Босишга топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Қорхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ